

К. Убайдуллаев номидаги педагог кадрларни кайта таёрлаш
ва малакасини ошириш институти
ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта уқитувчиси Жумабоев
Пулатнинг

Миллий истиклол гоёси ва маънавият асослари фани буйича



МАРУЗА МАТНИ

НУКУС - 2007

Мавзу: Гоя ва мафкуранинг тарихий формалари ва қуринишлари.

Режа.

- 1. Кириш**
2. Жамият ривожланишидаги-гоя ва мафкуралар тарихи.
3. Гояларнинг шакллари ва мутафаккирлар гоялари
4. Фалсафий гояларнинг тарихий негизлари
- 5. Фойдаланилган адабиётлар.**
- 6. Тест саволлари.**

Дарсдан кутиладиган мақсад.

Инсоният тарихи гоялар тарихи эканлигини, гоялар инсон тафаккурининг маҳсули эканлигини, гоянинг фалсафий талқинини, гоя ва мафкура тушунчаларининг фалсафий шакллари ва қуринишларини, гояларнинг намоён бўлиш хусусиятларини билиш.

Кириш

Гоя ва мафкуралар тарихий ривожланишида етакчи ролларнинг бирини эгаллайди. Инсониятнинг қўл минг йиллик урғути бундан аниқ тасдиқлайди. Ер юзидан дастлабки инсоният пайдо бўлиб, унинг уруғ-кавум ёки халқ сифатида шаклланиши бўлиб ўтган

дастлабки даврлардан бошлаб уларни бирлаштириб турувчи умумий гоя ва мафкурага булган талаб кучли булиб келган.

Президентимиз И.Каримовнинг айтиб утганидай, «Сабаби мафкура жамиятда яшовчи инсонларнинг турмуш тарзини, уларнинг истакларини узида жамлайди». Бу вазият ва зарурият турли мисоллар тарихасида уз далилини топиши лозим.

Жамият тарихини урганиш шуни курсатадики, биринчи моддий ва маънавий маданият жойларининг купчилиги дастлаб шаркда шаклланган ва бу инсониятнинг кейинги ривожланиши учун Ватан булиб хизмат килган. Асосан, кадимги Миср, Вавилон, Турон, Эрон, Хиндистон ва Хитойда пайдо булган цивилизациялар тарихда ахамиятли урин эгаллайди. Кадимги Шарк халклари дунёда биринчилардан булиб ерга экин экканлар, табиатдан танлаб олиш йули билан усимликларнинг куплаб навларини етиштирганлар. Улар сугориш усканаларини яратиб, тарихда из колдирган биринчи сув тигирмонлари ва ёг чиқарувчи усканаларни ишлатишни, дастлабки уй хайвонларини кулга ургатишлари, ипак куртини асраб ундан табиий ипак толасини олишни кашф этганлар.

Жуда ҳам кийин булган мухандислик баъадий хунармандчиликка асос солди, табиат кбчлари қаршисида канчалик сабр тоқатли, утқир фикрли, жисмоний тарафдан соғлом, рухий енгилмас булишининг, дунёга намунасини курсатди.

Шу асосда ҳар хил гоёлар яратилди ва уларни амалга ошириб утирди.

Жамият ривожланишидаги-гоя ва мафкуралар тарихи.

Мафкуравий процесслар тарихий ва ижтимоий шрт-шароитлар билан богликли булиб даврлар алмашиши билан янигилик тарабга қарай узгаради. Мавзуда буни кадимги Турон ва Туркистон замини деп ном қозанган, ҳозирги кунда унинг маркази ҳисобланган ҳозирги Ўзбекистон заминида юз берган процесслар билан далиллашга ҳаракат қилиш мумкин.

Бизга маълумки миллий гоя ва мафкуранинг тарихий формалари ва қурилишлари халқимизнинг куп минг йиллик утмиши даврида ривожланиб келди. Кадимги Хоразм, Соғдиона ва Бактрияда дастлап аввал формаланган, бобаларимиз тарафидан бундан 2700 йил олдин яратилган дастлабки ёзма манбалар {Авесто} китобида ҳам яқшилик ва ёмонлик уртасидаги азалий қураш ифодаланган. Зардуштиликнинг яқшилик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари заминимизга ислом дини қириб келганга қадар асосий гоёлар эдилар.

Шунингдек туркий халқлар уртасидаги Қук тангрига(осмон ва қуёшга) сизгиниш (шамонизм) ва буддизм (буддавийлик) ва диний этикод сифатида зардушталиқ билан бир қатор умр суриб келган.

Зардуштийлик бу заминда биринчи марта шаклланган дастлабки давлат бирлашмалари` Хоразм, Соғдиона ва Бактрияда давлат дини даражасига қутарилди ва расмон мафкура вазифасини ҳам бажарди. Қушон давлати даврида келиб зардуштийлик билан бир қаторда, буддизм ҳам давлат дини вазифасини бажара бошлади.

Лекин, Туроннинг вақти-вақти билан босқинчилар ҳужумига учраб туриши жамиятдаги барқарорликни издан чиқара эди. Милоддан олдинги I-I: асрларда Ағоманий шахлари, 329-327 йилларда А.Македонскийнинг босқинчилик юришлари бу заминда умр сурган мустақил давлатчилиқни маълум муддатга чеклаб қуйилишига сабаб булди. Халқимиз уз мустаққилигини қайта қуриш учун душманга қарши йиллар давомида қурашиб келдилар. Мустақиллик гоёлари, уз миллий давлатчилигини тиклаш учун қураш халқимизнинг уша пайтлардаги орзу умидлари, (таъбир жоиз булса) унинг гоя ва мафкурасини ташқил килди. Уларга асосланган халқимиз Қушан подшоҳлиги ва Улуг Тбрк ҳоконлиги қаби қатта салтонатларга асос солди.

Лекин тарихий процесс узғариши билан жумахуриятда мустақил давлатга яна вақтинчалиқ чеклашлар қуйишга тугри келди. II асрнинг оқири: III асрнинг бошларида араб босқинчилари Туранни босиб олди. Бунда босқинчиликка қарши қураш гоёлари фақат бир мақсадга йулида масалан, Турон ерини қуршаб босиб олувчилардан озод

килиш учун урушларда бирлаштирувчи гоё булди. Муханна кутарилиши ва унинг озодлик учун кураш гоёлари босқинчиларга қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

Маворауннахрда (ҳозирги Ўзбекистон ерида) ислом динининг урнатилиши халқни бир этикодга бирлаштиришдек, тарихий вазифани бажарди. IX-XII асрларда Самонийлар, Қарахонийлар, Газновийлар, Селжукийлар, Хоразмшоҳлар династияси тарафидан заминда асос солинган давлатлар на фақат ўзбек халқи, балки дунё халқлари тарихида ҳам теран из қолдирди. Муҳаммад Хоразмий, Абу Носр Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний Бердах, Махтумқули сингари аждодларимизнинг улмас мерослари дунё илмини бойитиб келмоқда. Мутассавуфлар Хожа Аҳмад Хамедоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждивоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, муъаддислар` Имом Бухарий, Имом Термизиларнинг талимотида ифодаланган қомил инсон гоёлари, одиллик ҳақидаги қарашлар ҷамиятнинг соғлом маънавий-тарбиявий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу гоёлар Ватан ва халқ манфаати йулида фидоилик ва инсонпарварликни ургатди. Улар миллий-маънавий кадрлар сифатида халқимиз маданияти, адабиёти ва баъдий ҳунармандшиликда мисоли М.Қашқорий, Ю.Ҳожиб, А.Юғнакий, Абдурахмон Ҷомий, А.Навоий, Ҳалолддин Румий, Мирзо Бедиллар ижодиётида теран урин эгаллайди.

Бу гоёлар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам аҳамиятли фактор бўлиб хизмат қилади.

Гоёларнинг шакллари ва мутафаккирлар гоёлари

Амир Темурнинг {Темур тузуқлари} Низом ул нулкнинг {Сиёсатнома} асарларида давлат маҳкамаси ва фуқарога муносабатни одил, инсоф, эл ёрт тинчлиги ва обод яшаши энг долзарб гоё сифатида қаралган. Бу гоёлар Темиралар давлати гоёлик принципларининг барқарор йуналиши эди.

Аҳмад Донишнинг етук қарашларида, XX аср бошида мавжуд бўлган ҷадидизм ҳаракатининг ривожланишга интилувчилар вакиллари-Бехбудий, Фитрат, Қулпон, Мунаввор Қори, Абдулла Авлоний бунёдқорлиги ва фаолиятида янада қучаяди. Ҷадидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун улқанинг миллий мустақиллик учун кураш гоёсини олиб чиқди.

Инсоният тарихида одамлар онгига ва ҳаётига адолат, ҳақиқат, яқшилик, меҳнатсеварлик қабил гоёлар туқумини сепган пайғамбар Зардушт яратган {Авесто} асарида қуйидаги сатрлар бор` {яқши фикр, яқши суз ва яқши ишлар билан яқши фикр, яқши суз ва яқши ишни хоҳлайман. Ўзимни бор яқши фикрга, яқши сузлар айтишга, яқши ишлар қилишга бағишлайман, барча ёмон фикрлардан, ямон суз, ямон ишлардан юз уграман}. Бу буюк инсонийлик гоёлар бундан 2700 йил аввал яшаган юртдошимиз Зардуштнинг улмас мафқураси эди.

Инсоният ҳамма вақт яқшиликни яқшилаб, ёмонликга қарши, курашади, яратувчилик ва фикрлашиш унга ҳос бўлган улуг фазилат ҳисобланади. Шарқ халқларининг буюк бунёдқорлиги ва қадриятлари турли давралар тасийрида Ғарб, шунингдек Грек-Рим маданиятида ҳам қучли таср қурсатган. Ана шундай таср остида фалсафий фикрлашлар дунёси шундай даражага етди, уша давраларда ёзилган анча меҳнатлар буюк мутафаккирларнинг бой мерослари умуминсониятнинг эзгулик ишларига хизмат қилиб келмоқда. Юнонистон файласуфлари, Пифагор-унинг фикрича, дунёни билиш қараёни, аввало, рақамларни билишдан бошланиши қарак.

Сукрот-унинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим. Ҷамиятнинг равақи, тинчлик ва осойишталиги, қаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг аҳволига боғлиқ.

Афлотун-унинг фикрича, давлатнинг туртта шакли мавжуд: теократия, олигархия, демократия, тирания. Афлотуннинг идеал давлат тугрисидаги орзулари негизида адолат гоёси ётади.

Шу манода, комил ишонч билан айтишимиз мумкин, умуминсониятнинг маданияти Гарб цивилизацияси ва Шарк маданиятининг кушилиши асосида яратилган. Масалан, А.Макендонскийнинг устози, узининг шогирди Осиёни босиб олиб унга жунатилган {Авесто} асарини теран урганган, кадимий Грек файласуфи олим Арасту (б.э.ш. 384-322) уз гоёвий карашларида устози Афлатун (б.э.ш. 427-348) гоёларидан келиб чикиб, янада бойитди ва унга маълум узгаришлар киритди. У жамиятда булиб утаётган воқеликлар табиатга хос деб билади.

Шаркда, яъний турон заминида булса жамиятнинг ривожланиши ва яратувчилик гоёлари хақида Абу Носр Фаробий, Ибн Сино, А.Навоий, карашлари узига хос урин эгаллайди. {Аль-Муаллим ас-Соний} (иккинчи муаллим) Шарк Арастуси деб ном қозонган Абу Носр Фаробий (и.е-950 йил) узининг {Фозил одамлар шаҳри}, {Фухаролик сиёсати}, {Бахт саодатга эришиш хақида трактат} каби асарларида одамийлик жамият, адолатли тузум хақидаги уз фикрларини баён қилиб, уз даври учун изма-излик таълимотини яратди. У ҳар тарафлама етук, барча халқни бахтга, илм ҳикматга олиб боровчи идеал жамият хақида гоёларни олдинга сурди.

Шу даврнинг мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг бу буйича карашлари узига хос. Улар ҳар бир нарсани қуратиш ва тажириба асосида урганишга кейин ҳулоса чиқаришга интиланган, барча яратувчилик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини айтиб утган. Буюк узбек, мутафаккири ва давлат ва сиёсий арбоби А. Новий булса уз меҳнатлари билан жамият ривожланишининг даврига хос фазилатларни яратишга ҳаракат қилган. У уз асарларида уруш жанжалга, билимсизликка қарши гоёларини улуглайди. Инсонларни меҳнатга бунёдқорликка адолатга қақиради. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилади. Унинг бу орзулари {Фарход ва Ширин}, {Садий Искандари} каби достонларида уз шаклини топган. Ижодқорнинг узи ҳам бунёдқорлик ишларига тулик босқилик қилади.

Хитой ва ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожланиши хақидаги карашлари ва бунёдқорлик гоёлари ҳам Осёнинг {Шарқга хос} маънавиятида узига хос урин тутди. Шунингдек буюк хитой мутафаккири Конфуций (б.э.ш.551-479) гоёлари ҳозирги қунгача хитой халқи мафқурасида таққилик қилиб қелмоқда. Бу гоёнинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий қилқинишлардан асраб ақайлаш ва одамлар манфаатини йқори қуйишга қаратилган.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Мақадма Ганди (1868-1921) узининг узининг рухий меҳролари, гоёлари ва қелажак карашлари билан XX-асрнинг буюк шахсларининг бирига айланди. У Қолонизаторларга қарши қураш тимсоли эди. У ҳиндлар билан муқулмонларнинг уз-дустлигини муқтаҳқамлашга интиди.

Эски турон уз бошидан қечирган буюқ тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдқорлик гоёлари ва амалий хизматлари қатта аҳамиятга эга. Унинг {Темур тбзиклари асарида}, {Агар фукорамиздан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, қерақли анжомларни етқазиб бериб унга ёрдам қурсатисин} деб қурсатма беради. Шу уринда, А.Темур уз давлатини ақл-идроқ ва ҳуқуқий асос билан олиб борган десак муқолага булмайд.

Фалсафий гоёларнинг тарихий негизлари

Дунё тарихини умумий тарзда бир қуринишда қуз унқимизга қелтириб қарасак, унинг ҳар бир босқинини инсоният олдидаги янқи имқониятлар ва истикболларёшигини очиб берувчи ривожланиш босқини дейш мумкин. Бу тарих мазмунини қуп тарафдан тбрли ижтимоий булимлар, сиёсий оқимлар, халқлар ва миллатлар, айрим давлатлар ва

ижтимоӣ тизимларининг тбрли мақсад ва манфаатларини узида курсатувчи гоё ва мафкураларнинг тажрибаси белгилайди.

Башарият милодий XX аср билан хайрлашиб, учинчи минг йилликка қадам қўймоқда. Инсоният бугинги кунга келиб, ижтимоӣ ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Фан ва техника, маданият ва маориф бекиёс ривожланди. Одамзод узининг ақл-заковати ва меҳнати билан жуда қўп янгиликлар яратди. Дунёнинг қўлаб сир-асрорлари кашф этилди, буюк ихтиролар килинди.

Маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган ҳикматлар ҳазинаси энг муҳим урин тутади. ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари булади. Улар уз юрти ва халқининг тафаккури руҳияти ҳамда орзу- интилишларини фалсафий таълимотларида, муайян даражада, ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак гоёларни уртага ташлаганлар. Халқни буюк мақсадлар сари етакловчи байроқ сифатида намоён буладиган бу гоёларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади.

Аввало, фалсафа узи нима, деган масалага тухталиб утайлик. У инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардандир. Фалсафий мулоҳоза юритиш, фикрлаш инсон табиятига ҳос, демак, унинг узи қабил қадимийдир. У олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараккиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлик ва йўқлик қабил қўлаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фандир.

Асрлар давомида философия сузининг маъно-мазмунига ҳилма-ҳил қарашлар, унинг жамият, инсон ва фанлар тизимидаги урнига нисбатан турлича муносабат ва ёндашувлар бўлган, бу атаманинг моҳияти-мазмунини ҳам узғариб борган.

«Философия» атамаси ва у ифода этадиган билимлар мажмуи Қадимги Юнонистон ва Римда эрамиздан аввалги: II-III асрларда юз берган буюк юксалиш натижаси сифатида юзага келган эди. Уша даврда эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси фалсафий тафаккур оламни яхлит ва бир бутун ҳолда тушуниш муҳассамига айланган эди.

Қадимги Юнонистонда «Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга яхши маълум бўлган, буюк аллома Пифагор ишлатган. Европа маданиятига эса, у буюк юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган. Шу тариқа, у аввало, қадимги Юнонистонда алоҳида билим соҳасига, тугрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланди.

Қадимги дунёда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар билан шугулланишидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоӣ борлик, ҳам табият тугрисидаги илм ҳисобланар эди.

Шарқда «Иккинчи Арасту», «иккинчи муаллим» дея эътироф этилган буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий философия сузини «Хикматни қадрлаш» деб талқин этган. Фалсафа Шарқ халқлари ижтимоӣ тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, умр мазмуни ҳақидаги қараш ва хикматларни эъзозлаш маъносида ишлатилган.

Тарихни билиш, ундан тугри ва ҳолис ҳулосалар чиқара олиш инсон маънавий қамолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих-буюк муаллим, утмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар «Бизга минг йиллар қаърида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда, яхшиси, бугиннинг гапидан гапиринг» Утмиш қаъридан ташбех излагандан қўра, бугинги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасми» деган ҳаёлларга бориши мумкин.

Шуларни назарда тутиб. қуйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқача тухталиб утамыз.

Зардуштийлик таълимот. Эрамиздан аввалги X асрдан бизнинг:

II асрларигача бўлган давр маҳсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардуштийликдир.

Бу таълимотга Зардушт асос солган булиб, Шарк ва Гарбда Зардуштра, Зароастр номлари билан машхурдирлар. Зардуштийликнинг бош китоби «Авестодир» унда кадимий халкларнинг дунё тугрисидаги тасаввурлари, узига хос кадрийат ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий карама-карши кучлари-яхшилик ва ёмонлик, ёруглик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, хаёт ва улим борасидаги карашлар уз ифодасини топган. «Авестода» шунингдек, табият фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам уз урнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида кадимги Хиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва VI аср бошларида вужудга келган. У жахонда кенг таркалган динлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ислом Каримов Узбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура, 1.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1996 й.
2. Ислом Каримов Биздан озод ва обод Ватан колсин, 2.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1996
3. Ислом Каримов Ватан саждагох каби мукаддасдир, 3.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1996
4. Ислом Каримов Бунёдкорлик йулидан, 4.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1996
5. Ислом Каримов Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби, 5.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1996
6. Ислом Каримов Хавфсизлик ва баркарорлик тараккиёт йулида, 6.-жилд, -Т., «Узбекистон» нашриёти, 1998
7. Ислом Каримов Узбекистонда демократик узгаришларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари.-Т., «Узбекистон» нашриёти 2000г
8. Ислом Каримов Узбекистон XXI аср бусагасида: хафсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.-Т., «Узбекистон» нашриёти 1996.

Тест саволлари.

1. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви нима?
А. Мафкуравий жараёнларнинг айрим дунёни камраб олиши,
В. Мафкуравий жараёнларнинг бутун дунёни камраб олиши,
С. Мафкуравий жараёнларнинг битта мамлакатни камраб олиши,
Д. Мафкуравий жараёнларнинг тез таркалиб бориши,
Е. Мафкуравий жараёнларнинг аста-секин (тадрижий) таркалиб бориши.
2. Кайси жавобда Президент И.Каримовнинг мафкуравий кураш усулига тегишли жавоб тулик келтирилган?
А. Гояга карши гоя, фикрга карши фикр, жахолатга карши маърифат билан курашиш керак,
В. Гояга карши гоя, фикрга карши фикр, жахолатга карши маданият билан бахсга киришиш ва олишиш мумкин,
С. Гояга карши факат гоя, фикрга карши факат фикр, жахолатга карши факат маърифат билан бахсга киришиш ва олишиш мумкин,
Д. Гояга карши факат гоя, фикрга карши факат фикр, жахолатга карши факат маънавият ва маърифат йули билан бахсга киришиш мумкин.
Е. Тугри жавоб берилмаган.
3. Амир Темур томонидан Оксарой пештокига ёздирилган «кудратимизни курмок истасанг....» шиорининг давоми кандай?
А. «...лашкарларимизга бок»,

- В. «...шахарларимизга бок»,
 С. «...иморатларимизга бок»,
 Д. «...бойлимизга бок»,
 Е. Барча жавоблар тугри.
4. Бизнинг бош стратегик максадимиз....
 А. Озод ва фаровон турмуш, эркин ва тукин-сочин ҳаёт барпо этиш,
 В. Хур ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш,
 С. Озод ва обод Ватан, тинч ва осойишта ҳаёт барпо этиш,
 Д. Хар томонлама ривожланган, озод, обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш,
 Е. Бозор иктисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш.
5. «Туркистон-умумий уйимиз» гоёсини марказий Осиё давлатларидан қайси бири олға сурганУ
 А. Қозогистон В. Туркманстон С. Тожикистон
 Д. Ўзбекстон Е. Қирғизистон.
6. Миллий истиклол гоёси таълимининг қайси тизимларида уқитиладиУ
 А. Умумий урта таълимда,
 В. Урта махсус, касб-хунар таълими тизимида,
 С. Олий таълимда,
 Д. А,В,С, жавоблари тугри,
 Е. Тугри жавоб қурсатилмаган.
- 7.Миллий истиклол гоёсини халқимиз қалби ва онгига сингдириш қайси соҳаларда амалга оширилади?
 А. Таълим ва тарбия
 В. Фан ва илмий муассасалар
 С. Маданий-маърифий муассасалар
 Д. Жисмоний тарбия ва спорт
 Е. Шу соҳаларнинг барчасида.
- 8.«Таракқиётнинг ўзбек модели» деганда неча тамойил назарда тутиладиУ
 А. 10 та В. 8 та С. 9 та Д. 5 та Е. 4 та
9. Қадимги юнон донишманди ва мутафаккирининг номи...
 А. Қонфуций В. Мо Ди С. Брахаспати
 Д. Платон Е. Фома Аквинский
10. Ҳожа Аҳмад Яссавий қаламига мансуб асар...
 А. Ҳозил одамлар шаҳри В. Тарихи анбий ва ҳукамо
 С. Девони ҳикмат Д. Девони луготт турк
 Е. Қутадғу билиг.